

Қандай қилиб Аллоҳдан қўрқиш ва тақво қилиш мумкин?



16:16 / 23.01.2022 3291

- Аллоҳ ва Унинг Расули буюрган фарз-вожиб амалларни бажариш.
- Шубҳалардан четланиш, ҳаром ишларни тарк қилиб, улардан узоқлашиш.
- Суннатларга амал қилиш, мубоҳ ишларга муккасидан кетмаслик, чунки бунинг оқибатида инсоннинг шубҳали ишларга тушиб қолиш эҳтимоли кучаяди.
- Аллоҳнинг тоатида жидду жаҳд қилиш, дунё ва охираат ишларида фикр юритиш, чунки инсон қачон ўлишини билмайди. Аллоҳ таоло берган ҳар бир неъмат учун сўроққа тортади, банданинг дунёда қилган ишларини ҳисоб-китоб қилади. Шунинг учун банда доим Аллоҳнинг ҳузурига боришга тайёр бўлиши керак.

- Нафс ва тана эҳтиёжлари билан Аллоҳнинг буйруқлари орасидаги мувозанатни сақлаш. Маълумки, Аллоҳ одамни фақат тоат-ибодатга берилиб, ўзини унутиб, одамларга қўшилмай қўйишга буюрмайди. Шариатимиз Аллоҳнинг ҳақларини поймол қилмаган ҳолда тананинг ҳақларини адо этишга буюрган. Бу эса Исламнинг мўътадиллик ва раҳмат дини эканини таъкидлайди.

- Барча ишларда холис бўлиш, обрў-эътибор, шуҳрат талаб қилмаслик. Ҳамма жойда, барча гап-сўзларда Аллоҳдан қўрқиш, махфий ва ошкора ишларни Аллоҳ кўриб турганини ҳис этиш, Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган сўзлардан эҳтиёт бўлиш керак. Аллоҳ таоло: **«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳга, динни Унга холис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилган эдилар, холос»**, деган (*Баййина сураси, 5-оят*).

- Аллоҳга ибодат қилиш, ҳар бир ишда Унинг ғазабидан хавфда бўлиш, Унинг розилиги, ажр-савоби ва раҳматидан умидвор бўлиш керак.

- Нафсга қарши курашиш, бу борада Аллоҳ ва Унинг Расули берган кўрсатмаларга риоя қилиш, ҳақ йўлда бардавом бўлиш ва бу йўлдаги азиятларга сабр қилиш керак.

- Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш.

Тақводор инсоннинг сифатлари:

- Ота-онага яхшилик қилиш.

- Қариндошлик ришталарини боғлаш.

- Қўшниларга яхши муомалада бўлиш.

- Шижоатли, кечиримли бўлиш.

- Одил, ширинсўз бўлиш.

- Ўзгаларни ўзидан устун қўйиш.

- Аллоҳнинг азобидан қўрқиш.

- Иффатли бўлиш, кўзи, қулоғи, тили ва бошқа аъзоларини Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийиш...

Инсондаги тақво аломатлари:

- Ислом шариати белгилаган чегарадан чиқмайди.
- Аллоҳга бандалик изҳор қилади.
- Қалби кек, адоват, нафрат, ҳасаддан саломат бўлиб, муҳаббат, мулойимлик ва меҳрга тўла, Аллоҳнинг зикри билан обод бўлади.
- Илм-маърифат, яхшилик, фазилатларнинг намунаси бўлади. Одамларнинг орасини ислоҳ қилади.
- Ўзгаларга ёрдам беради, манфаат улашади.

Тақводорларнинг ажр-савоби:

- Аллоҳ таоло тақводорларни Ўзига дўст, валий қилиб олади. У Зот: **«Унинг валийлари фақатгина тақводорлардир»**, деган. (*Анфол сураси, 34-оят*).
- Аллоҳ тақводорларни суяди. У Зот: **«Йўқ! Ким аҳдига вафо қилса ва тақво қилса, Аллоҳ тақводорларни севадир»**, деган. (*Оли Имрон сураси, 76-оят*).
- Аллоҳ солиҳ амалларни қабул қилади. У Зот: **«Албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қиладир»**, деган. (*Моида сураси, 27-оят*).
- Яхши оқибат. Аллоҳ таоло: **«Ва оқибат тақводорларникидир»**, деган (*Аъроф сураси, 128-оят*).
- Жаннат. Аллоҳ таоло: **«Албатта, тақводорлар жаннатлар ва чашмалардадир»**, деган. (*Ҳижр сураси, 45-оят*).
- Аллоҳнинг розилигига эришади, савоб тарозиси оғир келади, омонлик мақомида бўлади. Аллоҳ таоло: **«Албатта, тақводорлар омонлик мақомидалар»**, деган. (*Духон сураси, 51-оят*).
- Қиёмат куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин бўлади, чунки у комил иймон эгасидир.
- Охиратдаги мартабаси улуғ бўлади. Дунёда одамларнинг муҳаббатини қозонади.
- Умри баракали бўлади.
- Йўли очиқ, ризқи кенг бўлади. Аллоҳ таоло: **«Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ**

берур», деган. (Талоқ сураси, 2-3-оятлар).

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф